

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеърлятида лирик хронотопнинг ривожы	77
Г.Орипова	
Мустақиллик давры ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоды анъаналары ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадиий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорыда доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлары.....	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликларыро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласыга оид мулоҳазалар	96
М.Абдупаттоев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисасы ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашуров	
“Алпомиш” достоныда қўлланылган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлары	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусыда	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланынг қисқа ёзуви устыда ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланыш уй-жой муаммосыни ҳал қилиш шаклларыдан бири сифатыда	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фаргона-Тошкент мақом йўналышининг фалсафий масаласыга доир.....	118
С.Содиқов	
Фуқаролик жамиятыга доир мумтоз назарияларнинг ривожланышы	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланыш.....	123
Н.Маҳмудова	
Исломий қоидаларнинг бадиий талқини.....	126
Ж.Дилмуродов	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарыни инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолары	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианты грамматикасининг айрим хусусиятлары	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллары.....	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияты.....	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлары.....	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фаныни ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланышнинг аҳамияты	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимасы хусусыда.....	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидоий олим	148
--------------------------	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

БИБЛИОГРАФИЯ	150
---------------------------	-----

УРБАНИЗАЦИЯ ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ

Н.Усмонов

Аннотация

Мақолада урбанизациянинг жамият тараққиётидаги ўрни, унинг муҳим жиҳатлари тадқиқ этилган. Глобаллашув шароитида урбанизациянинг ижтимоий тараққиётидаги ўрни Ўзбекистон мисолида ёритиб берилган.

Аннотация

В статье рассмотрены важные стороны урбанизации, её место в развитии общества. На примере Узбекистана исследовано место урбанизации в социальном развитии в условиях глобализации.

Annotation

The role of urbanization in the development of society and its important aspects have been examined in the article. The role of urbanization in social development in the context of globalization is has been illustrated in the example of Uzbekistan.

Таянч сўз ва иборалар: урбанизация, урбанизация қирралари, ижтимоий тараққиёт, шаҳар ва қишлоқ турмуш тарзи, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, демография, архитектура.

Ключевые слова и выражения: урбанизация, грани урбанизации, социальное развитие, городской и сельский образ жизни, «Благоустроенное село», «Благоустроенная махалля», демография, архитектура.

Keywords and expressions: urbanization, urbanization spheres, social development, urban and rural lifestyles, “Improved village”, “Improved mahalla”, demography, architecture.

Урбанизация латин тилидаги “urbanus” сўзидан олинган бўлиб, “шаҳарга оид” маъносини англатади. Умуман олганда, ижтимоий фалсафа фанида кишилик жамиятининг тараққиётида шаҳарлар ролининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар “урбанизация” атамаси билан ифодалаб келинмоқда.

Урбанизация жараёни жамият тарихида ҳар қандай цивилизациянинг муҳим белгиларидан бири бўлган, ривожланиш эса шаҳарлар билан боғлиқ бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бу масалага алоҳида урғу берилди. Мамлакатимиз урбанизация даражаси 2018 йилда 35,5 фоизни ташкил этгани, зарур чоралар кўрилмаса, ушбу кўрсаткич янада пасайиши мумкин, деган фикри Мурожаатномада бежиз таъкидланмаган. Шунингдек, Мурожаатномада аҳоли урбанизация даражасини 2030 йилга қадар 60 фоизга етказишга қаратилган Давлат дастурини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам кўйилган[1].

Президентимизнинг 2018 йил 30 март куни қабул қилган “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва 2018 йил 28 июнь кунги “Обод маҳалла” дастури тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз ижтимоий ривожланишида улкан одим бўлди.

Бу қарор ва фармонларнинг эълон қилинишидан кўриниб турибдики, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг ижросига катта эътибор берилмоқда. 2019 йилда бу дастурларни амалга ошириш учун 4 триллион сумдан зиёд маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Натижада 416 та қишлоқ янгича қиёфага эга бўлади.[1.]

Дарҳақиқат, жаҳонда рўй бераётган глобаллашув шароитида урбанизациянинг ҳаракат доирасини, турли қирраларини аниқламай, таҳлил этмай туриб, унинг туб моҳиятини англаб бўлмайди.

Биринчидан, урбанизациянинг ижтимоий-касбий жиҳати, яъни меҳнатнинг мазмуни, янгича касб-хунарлар, замонавий ускуналар ва янги технологиянинг ривожини кабиларда ўз аксини топиб, пировард натижада катта ўзгаришларга олиб келади. Бу ўринда технология атамасига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Технология – бу инсоннинг ақлий фаолиятига хизмат қилувчи маънавий компонент бўлиб, “қандай бажармоқ керак?” номли жумбоқнинг ечимини ўз ичига олади. Демак, технология кенг маънода иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, шунингдек, техника соҳаларига нисбатан олиб қараганда “маданият” соҳасига яқин турадиган тушунчадир. Бугун янги технологиялар тизимида катта ўзгаришлар рўй берди, улар урбанизация билан уйғунлашиб кетмоқда.

Иккинчидан, аҳолининг демографик таркиби. Аҳолининг ўсиш суръати, унинг таркиби ва бу борада пайдо бўлган янгича тамойиллар урбанизация

жараёнига катта таъсир кўрсатади. Ўзбек оилаларининг анъаналари, ривожланиш тамойиллари, қолаверса, аёлларнинг фарзанд кўриш муаммолари ва бошқалар урбанизациянинг муҳим қиррасини ташкил этади.

Учинчидан, аҳолининг турмуш тарзи. Турмуш тарзидаги ўзгаришлар, унинг ривожланиши, янги компонентларнинг шаклланиши, бу жараёнда шаҳар билан қишлоқ алоқаларининг кучайиши урбанизация жараёнида ўз аксини топади. Четдан барча янги удумлар, одат ва ритуалларнинг кириб келиши жадаллашади, улар қишлоқ турмуш тарзидан ўзига тезроқ ўрин топадилар. Бу ҳам урбанизациянинг яратувчи ҳислатларидан бири бўлиб, мазкур ҳолатда қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарга нисбатан жойлашуви катта аҳамият касб этади. Бу борада йирик шаҳар атрофида бирлашган, иқтисодий боғлиқлик, ишлаб чиқариш жараёни билан алоқадорлик кичкина шаҳарларнинг ҳам ўсишига олиб келади. Катта шаҳар атрофидаги кичик шаҳарчалар ва уларнинг таъсир доирасида яшаб турувчи қишлоқлар, аҳоли пунктлари ва хуторсимон ҳудудларнинг барчаси “агломерация” ибораси билан белгиланади.

Урбанизация шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, уларнинг ўсиш даражаси, айниқса, қишлоқ аҳолисининг миграцияси, энг муҳими – “маятникли”, яъни соатнинг ўнгга – чапга ҳаракат қилувчи механизми - “шайин” каби, қишлоқда яшаб – шаҳарда, шаҳарда яшаб – қишлоқда меҳнат қиладиган инсонлар ҳаёти билан боғлиқ. Афсуски, бугун мамлакатимизда бу соҳада етарли статистик маълумотлар йўқ. Файласуфлар, социологлар ва бошқа ижтимоий фанлар тадқиқотчилари ҳаётида қувонарли воқеа рўй берди. 2019 йил 5 февраль куни Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонда таъкидланганидек, “миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор хисобланади”. [2]

Урбанизация ҳақида гап кетганда, одатда унинг икки томони, яъни фазаси борлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Биринчи фаза – бунда йирик шаҳарларда аҳоли сонининг ўсиши, жамиятнинг иқтисодий ва маданий

потенциалининг мужассам бўлишини тақозо этади; шаҳарларнинг йириклашуви нафақат ижобий ҳодиса, шу билан бирга унинг бир қатор салбий оқибатлари ҳам йўқ эмас. Бу муаммо ўз тадқиқотчиларини кутиб қолмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, ўта йирик шаҳар – мегаполис ер шарининг “саратон ўсмаси”, деб баҳоланмоқда. Дарҳақиқат, ўта йирик шаҳарда тоза ҳаво, транспорт, озиқ-овқат таъминоти, болаларнинг ўқиши ва бошқалар катта муаммолар туғдирмоқда.

Иккинчи фаза – шаҳарлар эришган ютуқлар, унинг турмуш тарзи, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, ҳатто шаҳарликларга хос нутқ маданиятидаги ўзига хос “қолиплар” қишлоқ томонидан ўзлаштирилади. Бу жараён, ўз навбатида, жамият тараққиётига янги импульс беради.

Урбанизациянинг яна бир жиҳати – уни оқилона бошқариш масаласи. Бу ўта муҳим масала тарихчилар, файласуфлар, социологлар, психологлар, шаҳарсозлар ва архитекторлар томонидан тадқиқ этилишини кутиб қолмоқда.

Урбанизация санъатнинг муҳим тури бўлмиш архитектура билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Архитектуранинг асосий мақсади инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган бино ва иншоотлар қуришдир. Демак, архитектура нафақат эстетик функцияни, қолаверса, амалий функцияни ҳам бажаради. Бунда бадий образни тасвирлаш усули билан яратилмайди. Архитектура ўзига хос ифодаловчи воситалар ёрдамида, яъни масштаблар, шакллар, ранглар, ўраб турган пейзаж ва ландшафт билан алоқадорлик асосида маълум ғоялар, кайфият ва мақсадларни тасвирлайди. Архитектура санъатнинг бўлаги сифатида қадим замонларда шаклланган.

Янги бино ва иншоотларнинг пайдо бўлиши архитекторлардан янги ечимларни талаб қилмоқда: бинодан фойдаланишнинг қулай бўлиши, янги конструкцияларни қўлланиш ва биноларнинг эстетик жиҳатдан тугалланган, ўзига хос бадий шаклга эга бўлишини тақозо этади.

Бугун мамлакатимизда архитектуранинг янги турлари пайдо бўлди. Булар: “кичик (митти) шакллар архитектураси”, “монументал шакллар архитектураси”, “томорқа – боғ маданияти ёки яшил архитектура”. Буларнинг барчаси урбанизация жараёнида кенг қўлланилмоқда.

Аҳоли пунктларининг жойлашувини умумий кўринишининг принципаал ўзгариши, одамларнинг турмуш тарзидаги янгиланишни

ҳам урбанизация дейиш мумкин. Бундай ўзгаришлар фақат шаҳарларга тааллуқли эмас, балки қишлоқ аҳолиси учун ҳам ўта муҳимдир.

Урбанизация – саноат, транспорт, оммавий ахборот воситалари, маданий ва маиший хизматни ривожлантириш, шаҳар турмуш тарзини аҳолининг турли ижтимоий-демографик гуруҳлари орасида тарқалиши натижасида жойлашув тизимида вужудга келган чуқур сифат ўзгаришидир.

Урбанизациянинг таъсири шу қадар аниқ ва сезиларлики, Ғарб социологиясида ягона шаҳар турмуш тарзи концепцияси, постшаҳар (шаҳар доирасидаги) жамияти назарияси, яъни аҳолининг асосий ижтимоий гуруҳларининг интеграцияси ҳақидаги ғоя олдинга сурилмоқда. Бундан воз кечиб бўлмайди. Мамлакатимизда, содда қилиб айтганда, урбанизация автомобилларнинг, турли транспорт воситаларининг кўпайиши, оммавий коммуникация воситаларининг қишлоққа кириб келиши сўнгги йилларда анча ривожланди. Собиқ иттифоқ даврида узоқ вақт мафкуравий ақидалар ҳукмронлик қилди: “автомобиль – бойлик”, “дала ҳовли асосий ишингдан чалғитади”, “шаҳарлик оилага олти сотихдан ортиқча ер бериш мумкин эмас”, “дала ҳовли уйи чегараланган бўлиши керак” кабилар кишилар мафкурасида жойлашиб

олган эди. Яна устига-устак шаҳар билан қишлоқнинг ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш ҳақида гапирилар эди, амалий ишларга эса киришилмаган.

Урбанизация ҳақида гап кетганда, хориж мамлакатлар тажрибасига бир назар ташлаш керак. АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари учун кишиларнинг эркин жойлашуви кенг тарқалган, албатта, дала ҳовлиси, ер участкаси бўлиши оддий ҳақиқат. Эътиборлиси шуки, Лондон, Париж, Нью-Йорк, Вашингтон каби шаҳарларнинг марказларига кам таъминланган, турли ирқдаги рангли аҳоли жойлашганини кўриш мумкин. Одамнинг ёки ижтимоий гуруҳнинг ижтимоий статуси қанчалик юқори бўлса, унинг яшаши шаҳарнинг марказий қисмидан шунча узоқда бўлади.

Яқин келажакда бизни урбанизациянинг бир қатор ўзига хос тенденциялари, яъни йирик шаҳарларда аҳолининг кўпайиши, янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши, шаҳардан фарқ қилмайдиган қишлоқ манзилларининг ривожланиши каби ўзгаришлар кутилмоқда. Бу, урбанизация жараёнининг, ҳозирги замон цивилизация тараққиётининг қонуниятлари бўлиб, жойлашув тизимларига хос янги, яна ҳам такомиллашган турмуш тарзининг шаклланишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -2018 йил, 28 декабрь.
2. Халқ сўзи. -2018 йил 29 декабрь.
3. Халқ сўзи. -2019 йил 6 февраль.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)